

## ТАЛАБАЛАРГА БАДИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШДА ПОРТРЕТ КОМПОЗИЦИЯСИНИ ИШЛАШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Х. Талипов

Низомий номидаги ТДПУ, Тасвирий санъат кафедраси

А.Ҳ. Каримова

доценти 1-курс магистранти

**Аннотация:** Мақолада талабаларга бадий таълим беришда портрет композициясини ишлашнинг айрим хусусиятларига қаратилган бўлиб, унда қаламтасвир ва рангтасвирда портрет ишлашнинг назарий ва амалий методикаси тўғрисида фикр юритилади.

**Аннотация:** Статья заключает в себе основные теоретические и практические рекомендации по выполнению портрета. Так как работа над портретом требует особого подхода от рисующего, то в статье даются особенности индивидуальных методов по этому вопросу.

**Resume:** The article contains the basic theoretical and practical recommendations for the portrait. Since the work on the portrait requires a special approach from the painter, the article gives the features of individual methods on this issue.

**Калит сўзлар:** портрет, автопортрет, жанр, реалистик портрет, уфқ чизиғи, ҳаво перспективаси, кўриш нуқтаси, композиция, перспектив қисқариш, ранг, ахроматик ранглар, хроматик ранглар, мато, тус, гризайль, суртма, ранглавха, иссиқ ва совуқ ранглар, асар.

**Ключевые слова:** портрет, автопортрет, жанр, реалистический портрет, линия горизонта, воздушная перспектива, точка зрения, композиция, перспективное сокращение, цвет, ахроматические цвета, хроматические цвета, холсть, тон, гризайль, мазок, этюд, теплые и холодные цвета, картина.

**Keywords:** portrait, self-portrait, genre, realistic portrait, skyline, aerial perspective, point of view, composition, perspective reduction, color, achromatic colors, chromatic colors, canvas, tone, grisaille.

Тасвирий санъатни барча турларининг асоси қаламтасвир ҳисобланади. XVIII асрдан бошлаб “қаламтасвир” чизиқлар ёрдамида образ яратиш сифатида тасвири белгиловчи термин бўлиб ҳисобланиб, барча санъат турларидаги буюмнинг шакли, ўлчами, тузилиши ва характерини белгилаб берувчи муҳим хусусиятлари билан таништиради. Тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланган қаламтасвирни чизмачилик билан таққосласак, унинг хусусиятлари аён бўлади. Биринчидан, тасвири кўз билан чамалаб, ўз кўли билан қисқа вақтда тасвирлаб кўрсата олади. Иккинчидан, рассом тасвирда буюмнинг ташқи асосий белгилари- унинг материаллиги, ҳажми, ёруғлиги, фазовий жойлашуви ва ҳоказони кўрсатади. Учинчидан, қаламтасвирда нафақат буюмнинг

ташқи турли белгилари тасвирланади, балки буюмнинг ички мазмуни ҳам ифодаланиб, кузатувчида муайян фикр ва ҳиссиёт туғдиради.

Тасвирий санъат асосларини пухта эгаллаш талабага табиатдаги барча шакллар тузилиши ҳақидаги қонуниятларини тўғри кўриш ва тушунишга, кўрганини тўғри тасвирлашга ёрдам беради. Аммо келажакда маҳоратли рассом-педагог бўлиш учун булар ҳали етарли эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талаба натурадан расм чизишнинг асосий қонун-қоидаларини яхши тушуниб эслаб қолсада, лекин олган назарий ва амалий билимларини амалда қўллаш олмаслик ҳоллари учраб туради. Шунинг учун у назарий билимлардан ташқари тасвирий санъатда ижро ва техник маҳоратига ҳам эга бўлиши зарур. У амалий машқ жараёнида техник жиҳатдан қийналмаслиги керак. Техник маҳоратларни эркин ва моҳирлик билан эгаллаш талабанинг ижодга тўла берилишини, ижодий қобилиятларни амалга оширишни ва юқори малакали рассом-педагог бўлиш имконини беради. Тасвирлаш маҳоратини юзаки эгаллаган талаба ўзини амалий иш жараёнида эркин ҳис этмайди ва натижада ўз фикри, ҳиссиётларини тўла ифода этиб бера олмайди. Бу барча санъат турлари, айниқса, тасвирий санъатнинг асоси бўлган қаламтасвир учун тааллуқлидир [1,89].

Қадимги академик таълим мактабларида тасвирлаш техникасига катта эътибор берилган. Шунинг учун, уста рассомлар илгари расм чизиш санъати билан биринчи бор танишишда ўз шогирдларига вазифа сифатида уста рассомлар тасвирлаган намуналардан нусха бажариш кераклигини айтганлар. Асосий эътибор тасвир бажариш техникасига қаратилган.

Дарс жараёнида ёш педагог-расомнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш усулларида бири етук рассомлар маҳоратини ўрганишга жалб этиш ҳисобланади. Талабага таниқли рассомлар ўз маҳоратларини қандай эгаллаганликлари билан таништириш ва асарларда образларни турлича талқин этилишини кўрсатиб, бу билан ёшларни фаол ижодий жараёнга жалб этамиз. Бу эса баъзан камлик қилади. Шунинг учун педагог аудиторияда бажариладиган бу каби вазифалардан ташқари уйга вазифа сифатида буюк рассомлар ишлаган намуналаридан ҳам нусха олиш топшириқларини бериб бориши керак. Бу топшириқлар талабага образларни янада ифодалироқ тасвирлашга ўргатиш билан бир қаторда, уста-рассомларнинг тасвирий воситалардан қандай моҳирона фойдаланганликларини ўрганиб борадилар. Ҳар бир педагогнинг расм чизишга ўргатиш методикаси ва индивидуал тизими ўзига хос бўлади. Талаба тўғри техник тайёргарликка эга бўлса, у ҳар қандай педагог-рассом раҳбарлигида сабоқ олмасин, келгусида тажрибали рассом-педагог бўлиб етишиб чиқади. Педагогнинг маҳорати шунда белгиланадики, у ҳар бир талабага унинг тасвирлаш техникасига мос равишда кўрсатма бериб, таълим тарбия усулларида кенг фойдалана олиши ва талабага тўғри кўрсатма беришидадир. Тасвирлаш маҳорати - бу инсоннинг илгари олган тажрибаси асосида маълум усул ва услубларни қўллаш билан қандайдир бир шаклни ҳаққоний бажара олиш қобилиятига айтилади. Бадий ижодий фаолиятда маҳорат



аввалдан олинган билим ва кўникмалар асосида юзага келади. Ёшлар билан ишлашда маҳоратни аста-секинлик билан ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш муҳимдир. Талабалар ишини диққат билан кузатиш, уларнинг ҳар бирига тўғри ёндошиш, керакли таъсир кўрсатишга имкон беради. Педагогнинг ўз ўқувчиларини мақташи, рағбатлантириши, ҳурмат қилиши ижодий фаолият учун фойдалидир. Бирок рағбатлантириш усули эмоционал муносабат, ўқувчининг иродаси, иш қобилияти, ўзига баҳо бера олиши билан мос келгандагина фойдали бўлади.

Талабалар ижодий фаолиятга қизғин киришиб борадилар, лекин айрим ҳолларда ўз ишлари натижаларидан қониқмасликлари натижасида педагогдан аниқ кўрсатмалар кутадилар, бу пайтда раҳбар талабанинг йўл кўйган хатоларини аниқ кўрсатиб, ёрдам бериши талабани янада рухлантириб юборади. Натижада талаба ишни босқичма-босқич давом эттириб ишни яқунлайди. Талабалар турли материаллардан (қалам, сангина, соус, кўмир) самарали фойдаланиб қаламчизги, ранглавҳалар чизишлари уларнинг маҳоратларини ошириб боради.

Юқорида келтирилган фикрлардан ҳулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, талабаларга муваффақиятли таълим тарбия бериш учун, педагог уларнинг ҳар бири учун ўзига хос индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Ҳар бир ўқувчи алоҳида ўзига хос эътиборни талаб этади ва фақатгина шуларни ҳисобга олибгина педагог ўз шогирдининг ижодий қобилиятларини ривожланишида катта самарага эриша олиши мумкин.

Шу жиҳатдан ҳам, олий таълим тизимида тасвирий санъатни ўқитилишини янгича ташкил этиш, унинг мазмуни ва методикасини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб педагогик муаммоларидан бири ҳисобланади. Тасвирий санъатнинг портрет жанри бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Ваҳоланки шундай экан, талабаларга тасвирий санъат орқали бадиий таълим бериш долзарб вазифалардан биридир.

Талабаларда портрет жанрини тасвирлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни англаши, тушуниши ва унинг фаол иштирокчисига айланиши каби муаммолар ўз ечимини топиши зарур. Портрет жанри устида ишлаш жараёнида талабалар унинг оддий қонуниятларини (тўғри жойлаштириш, перспектив қисқариш, қараш нуқтаси, ранг ва тус муносабатлари) ҳам назарий ҳам амалий ўзлаштириб борадилар.

Инсон портретини ишлаш рассомдан кўпдан-кўп билим талаб қилади. Бундай талаблар ўқиш, ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий тажрибалар тўплашни, уларни амалда қўллай билишни тақозо этади. Инсон портрети ва гавдаси рангтасвирини ишлашдан аввал ўқув натюрмортларини пухта ишлашни ўрганиб олинган бўлиши керак. Акс ҳолда ижобий натижаларга эришиш мумкин эмас.

Инсон портретини ишлашни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолдаги бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Улар қуйидагилардир:

- Инсон портретини «гризайль» техникасида бажариш;
- Инсон портретини кундузги ёруғлик шароити муҳитида тасвирлаш;
- Инсон портретини сунъий ёритилган ҳолатида акс эттириш;

- Инсон портретини очик ҳавода (пленэрда) тасвирлаш.

Маълумки тасвир ишлашда чизилаётган нарсанинг туси (тон)ни тўғри акс эттириш, шунга мувофиқ рангини бериш муҳим аҳамиятга эга. Инсон портретини ишлаш машқларида ҳам бу асосий вазифадир. Бунинг учун аввало тасвирни оч-тўқлигини, шакл хусусиятларини топиб тасвирлашни ўрганиб олиш учун қўйилмани гризайль(битта рангда)техникасида бажаришга тўғри келади. Чунки шундай қилинганда қиёфани оч-тўқлик даражаларини тўғри фарқлашга ўрганади, ҳажмдорлигини ҳис этади. Ундан ташқари битта ранг туси билан тасвир ишланганда кўпроқ буюмнинг (натюрмортда), қиёфанинг (портретда) шаклига ва ҳажмини кўрсатишга шунингдек қиёфани соя-ёруғ қисмларини, оч-тўқлик тусларини адашмай топишга катта ёрдам беради. Бу ҳолатда ранг товланишлари, жилвадорлиги иккинчи даражали ҳисобланиб туради. Инсон портретини ўрганиш одатдагидек чизилаётган шахснинг ўзига хос томонларини чуқур таҳлил этишдан бошланади. Шунинг учун аввал қаламчизгилар, бир нечта қисқа-қисқа муддатли ранглавҳалар бажарилади. Битта рангда, кўпинча жигарранг «марс»нинг қора ранги оқ билан қўшиб ишланадиган тасвирда инсон қиёфасининг шакл, тўқ-очлик муносабатлари, фонга нисбатан қандай яхлитликда кўриниши, ундаги асосий қисмларнинг тархи белгилаб олинади. Ана шундай ёрдамчи иш бажарилгач асосий вазифани бошлаб, батафсил тасвирни ишлашга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Узоқ муддатли тасвирда эса ҳар бир майда унсур ҳам эътиборга олинб ишланади. Тасвирни бажарганда мўйқаламнинг япалоғидан фойдаланиш ҳар бир сатҳни бўлиб-бўлиб, шаклига мос равишда бўрттириб акс эттириш имконини беради, чунки мўйқалам шакл йўналиши бўйича ишлатилади. Суртмалар ҳар бир бўлакни ифодалайди. Қиёфани тасвирлашда унинг атроф-муҳитдаги ҳолатига ҳам жиддий эътибор бериш керак. Чунки унинг кўринишига атрофдаги барча нарсалар маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади. Тасвирни юзага чиқаришда айниқса орқа томон (фон)нинг ўрни каттадир. Чунки чизилаётган инсон қиёфаси унга нисбатан тўқ ёки оч бўлиб «силуэт»да кўринади. Шу сабабли қўйилмага икки ҳил ҳолатда, яъни очик ва тўқ тусли ва фон билан ишлаб машқ қилиш яхши самара беради.

Тасвирланаётган инсон портретини агар тўғридан ёки ён томондан ёритилса ундаги ҳар бир бўлак (деталь) бўртиб кўринади ва шунда уни яхлит тасвирини ишлаш қулай бўлади. Аввал катта шакл туси (тон) муносабатлари яхлит қилиб олингач майда бўлақлар ҳам батафсил ишланади. Бунда албатта, ёруғ-соя, акс шуъла (рефлекс)ларга эътибор берилиши, ўхшатиб ўз ўрнида тасвирланиши зарур. «Гризайль» усулида вазифани бажарганда қиёфани сунъий ёруғлик манбаи билан ёритиш яхши самара беради. Шундай қилинганда чизилаётган объект аниқ, кўриниб, ҳажми ҳам яққол сезилади. Қиёфанинг шаклини кўрсатишни унинг соя жойидан бошлангани маъқул, шунда тасвирни яхлит қилиб кўрсатиш осон бўлади. Қиёфани асосий «силуэт»ини топиб соя-ёруғини лўнда қилиб олингач, майда унсурларга ҳам ўтиш, уларни маълум даражада батафсил ишлаш мумкин.



«Гризайль» усулида вазифани ишлаб тажриба орттирилгач, рангда ҳам машқлар бажариш мумкин. Бу ҳолатда барча ранг тусларидан унумли фойдаланилади. Ранг жилваларини мукамал ўрганиш ишида машқ-вазифани ташқарида, очиқ ҳавода, яъни «пенэр» шароитида бажариш яхши натижа беради. Бундай ишни талаба уй иши сифатида мустақил адо этиб туриши унинг тажрибасини ортишига олиб келади. Инсон портрети рангтасвирини ишлаш «грисайль» техникасини пухта ўзлаштириб олингандан кейинги муҳим босқичдир. Маълумки тасвир ишлаш хох, у қаламтасвир бўлсин, хох рангтасвир бўлсин, академик усулда шартли босқичларга бўлиб олиб борилади. Бундай бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, методик кетма-кетликда фаолият юритиш ўқув-машқ вазифасини муваффақиятли бажаришнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Khamidovich, T. N., Nozimovich, T. N., Ibrohimovna, Y. N., Ravshanovich, J. R., & Kholmuratovich, M. K. (2019). DEVELOPMENT OF STUDENTS'CREATIVE ABILITIES THROUGH TEACHING" LANDSCAPE PAINTING. *Journal of Critical Reviews*, 7(6), 2020.
- 2.Talipov Nigmatjon Nozimovich, Yuldasheva Nilufar Ibrahimovna, & Jabbarov Rustam Ravshanovich. (2020). Development Of Student’s Creative Abilities In The Fine Arts In The Higher Education System . *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(07), 232–238. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue07-30>
- 3.Rustam Ravshanovich, J. (2021). Formation of Creative Abilities of Students by Teaching the Genre "Landscape" of Fine Arts. *Spanish Journal of Society and Sustainability*, 1, 1-8. Retrieved from <http://sjss.indexedresearch.org/index.php/sjss/article/view/1>
- 4.Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS’ CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>
- 5.Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), 285-288. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>
6. Talipov, N., & Talipov, N. (2021). CREATIVE TECHNOLOGIES FOR THE DEVELOPMENT OF STUDENTS’ CREATIVE ACTIVITY THROUGH ART EDUCATION. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v3.12>
7. Талипов , Н. ., & Талипов , Н. (2021). Проблема исторического жанра в изобразительном искусстве: взгляд на творческую школу художника Малика Набиева. *Общество и инновации*, 2(4/S), 607–613. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp607-613>
- 8.Talipov Nozim Khamidovich, & Kholmurodova Fotima, Kholmurodova Zukhra. (2022). FEATURES OF ART EDUCATION FOR FUTURE FINE ART TEACHERS. CURRENT

RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(01), 33–39. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-01-06>

9. Talipov, K. N. (2021). Is graphics important in painting?. *Academica: an international multidisciplinary research journal*, 11(1), 984-990.

10. Nazirbekova, S., Talipov, N., & Jabbarov, R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 15(2), 364-367. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v15.2.1192>

11. Нигматжон Нозимович Талипов (2021). АМАЛИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИГА КОМПОЗИЦИЯ ТУЗИШ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ. *Scientific progress*, 1 (6), 309-316.

12. Абдурашидхонова М., & Расулов М. (2021). Ташкентская школа резьбы по дереву и представители узбекского народного прикладного искусства. *Общество и инновации*, 2(5/S), 130–137. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss5/S-pp130-137>

13. Rasulov Murad Absamatovich, & Abdurashidkhonova Muslimahon Bahodirhon Kizi. (2021). Methodological Basis Of Creation, Organization And Decoration Of Platter's Artistic Composition In Applied Art . *The American Journal of Applied Sciences*, 3(04), 298–310. <https://doi.org/10.37547/tajas/Volume03Issue04-42>

